

## ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ – РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ



**Мустафақулов Шерзод Игамбердиевич**  
ТДИУ “Университет 3.0” халқаро ўқув ва илмий-инновацион тадқиқотлар  
маркази директори, и.ф.д.  
E-mail: [sh.mustafakulov@tsue.uz](mailto:sh.mustafakulov@tsue.uz)

**Абдуллаев Мунис Курбонович**  
ТДИУ “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари” кафедраси  
муdiri, и.ф.ф.д. (PhD), доцент  
E-mail: [m.abdullayev@tsue.uz](mailto:m.abdullayev@tsue.uz)

**Хамидов Расул Таваккалович**  
ТДИУ “Университет 3.0” халқаро ўқув ва илмий-инновацион тадқиқотлар  
маркази сектори муdiri  
E-mail: [r.khamidov@tsue.uz](mailto:r.khamidov@tsue.uz)

**Аннотация:** Мазкур мақолада электрон ҳукумат, унинг анъанавий ҳукуматдан фарқлари ва афзалликлари, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти, электрон ҳукумат ривожланиши доирасидаги халқаро рейтинглар ва уларда Ўзбекистоннинг тутган ўрни, шунингдек, мамлакатимизда электрон ҳукуматни янада ривожлантириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** электрон ҳукумат, рақамли иқтисодиёт, ахборот-коммуникация технологиялари, давлат бошқаруви тизими, электрон ҳукумат ривожланиши индекси.

**Аннотация:** В данной статье приводятся материалы, связанные с электронным правительством, его основные различия от традиционного правительства и преимущества, важность в развитии цифровой экономики, международные рейтинги по развитию электронного правительства и место Узбекистана в них, а также научные предложения и практические рекомендации по дальнейшему развитию электронного правительства.

**Ключевые слова:** электронное правительство, цифровая экономика, информационно-коммуникационные технологии, система государственного управления, индекс развития электронного правительства.

**Abstract:** This article provides material related with e-government, its main differences from traditional government and its advantages, importance in the development of the digital economy, international ratings on the development of e-government and the place of Uzbekistan in them, as well as scientific proposals and practical recommendations for the further development of e-government.

**Key words:** e-government, digital economy, information and communication technologies, public administration system, e-government development index.

### Кириш

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида рақамли технологиялар, электрон платформалар ва дастурий таъминот маҳсулотлари жамият ҳаёти ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисми, таъбир жоиз бўлса, ҳал қилувчи омилига айланиб улгурдики, шиддат билан ривожланиб бораётган бундай жамиятда

барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, ҳатто инсоннинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ бўлган маиший муносабатлар амалга ошишини рақамли технолоияларсиз тасаввур қилиш қийин бўлмоқда. Дунё ҳамжамиятида рўй бераётган глобаллашувнинг янада чуқурлашуви ва мамлакатлар ўртасидаги кескин рақобат шароитида ўз ўрнини мустақамлашнинг асосий шартин ҳам рақамли технологиялар қай даражада ривожланганлигига бевосита боғлиқдир.

Замонавий дунёда рақамли технологияларнинг ривожланиши кўп томонлама ўзгаришлар тенденциясини тезлаштириши билан биргаликда инсон фаолияти, жамоат ва давлат институтлари соҳаларини трансформация қилинишига туртки бермоқда. Ахборот асри талабларидан келиб чиқиб давлат бошқаруви ва сиёсий институтларни трансформация қилиш доирасида дунё мамлакатлари бугун ва келажак учун долзарб аҳамият касб этувчи вазифа – “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш, уни самарали амалга ошириш ва ривожлантиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўймоқда.

“Электрон ҳукумат” тушунчаси илк мартаба 1991 йилда АҚШда алоҳида тушунча ва тизим сифатида амалиётда учрай бошлаган бўлиб, ҳозирги кунга келиб ушбу тизим халқаро амалиётда етарлича тажрибадан ўтди ва кенг қўлланилмоқда. Электрон ҳукумат тушунчасининг негизини электрон ҳужжатлар алмашинуви, бошқарув жараёнларини автоматлаштиришга асосланган давлат бошқаруви ва давлат хизматларини кўрсатиш тизими ташкил этади. Кўпчилик илғор ривожланган давлатларда мамлакатнинг рақамли тараққиёти стратегиясини назарда тутувчи комплекс дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Ушбу соҳада жаҳон ҳамжамияти ҳам ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик ўрнатиш, тадқиқотлар ўтказиш ва глобал инновацион лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2003 йилдан буён БМТнинг давлат бошқаруви ва ривожланишни бошқариш масалари бўлими томонидан электрон ҳукуматнинг ривожланиш даражаси бўйича жаҳон мамлакатлари рейтинги асосида мамлакатларда фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат идораларининг электрон технологиялардан фойдаланиш ҳолатини баҳолаш юзасидан ҳар икки йилда бир марта тадқиқотлар олиб борилмоқда. Рейтинг интернет хизматларининг қамрови ва сифати, IT-инфратузилмаси ва инсон капитали ривожланиши даражасига асосланган электрон иштирок индексидан келиб чиқиб шакллантирилади. Ўтказилган сўнги тадқиқотлар натижалари БМТнинг барқарор ривожланиш масалаларига бағишланган Саммити мақсадларини амалга ошириш учун инсон манфаатларига қаратилган инновацион ресурслардан кенг фойдаланиш ва рақамли технологияларни янада жорий этиш истиқболдаги тараққиётнинг асоси эканлигини яна бир бор исботлади.

#### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

“Электрон ҳукумат” тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, хусусиятлари ва афзалликлари тўғрисида қатор олимлар, тадқиқотчилар ва амалиётчи иқтисодчилар ўз фикрларини илгари суришган. Хусусан, маҳаллий иқтисодчи олимлар қаторида Авезова Ш.М. (5), Аманжолова А.Т. (7), Фуломов С.С.(10), Маннапова Ш.Г. (14), Хабибуллаев Ш.Х. (15)ларнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамият касб этади.

Хорижий иқтисодчи олимлар ва ахборот-технологиялар соҳасидаги етук мутахассислар қаторида Агамирзян И.Р. (6), Гапоненко, А.И. (8), Голобуцкий А.П. (9), Дрожжинов В.К. (11), Кристальный Б.В. (12), Ирхин Ю.В. (13), Юртаев А.Н. (16), Солодов, В.В. (17) лар рақамли технологиялар, электрон ҳукумат, давлат

бошқарувида электрон воситалардан самарали фойдаланиш имкониятлари ва афзалликларини атрофлича тадқиқ этишган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Рақамли иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган электрон ҳукумат тизими фуқаролар билан давлат идоралари ўртасида самарали ва шаффоф алоқани мустаҳкамлаш асносида фуқаролар учун тўғридан-тўғри равишда ҳукуматга мурожаат қилиши ва давлат хизматларидан қулай фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Жаҳон тажрибасида электрон ҳукумат тушунчасини талқин қилишда бир нечта йўналишлардан фойдаланилади. Хусусан, фуқаролар ва ҳукумат ўртасида (С2G), ҳукумат ва бошқа ҳукумат идоралари ўртасидаги (G2G), ҳукумат ва ходимлар ўртасидаги (G2E), шунингдек, ҳукумат ва бизнес ўртасидаги (G2B) рақамли муносабатлардан иборат эканлиги ажратиб кўрсатилади.

Халқаро амалиётда электрон ҳукуматнинг қуйидаги имкониятлари ва афзалликларидан кенг эътироф этилади:

- ❖ давлат органларининг ўзаро узвий ҳамкорлигини ўрнатади, шунингдек, бошқарув харажатларини қисқартиради ва бошқарув жараёнлари тезкорлигини оширади;

- ❖ аҳоли ва бизнесга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини оптимизация қилади ва соддалаштиради;

- ❖ халқ билан ҳукумат ўртасида бюрократик тўсиқларни истисто этувчи шаффоф ва қулай мулоқот тизимини яратади;

- ❖ фуқароларнинг технологик билими ва малакасини оширади;

- ❖ давлат бошқарувида, шу жумладан, қарорлар қабул қилишда халқ иштирокини кенгайтиради;

- ❖ демократик тамойилларни чуқурлаштириш ва давлат идораларининг халқ олдидаги масъулиятини мустаҳкамлайди;

- ❖ географик жойлашув ноқулайлиги омилини бартараф этади.

Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида электрон ҳукуматни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ягона стратегияси ёки намунаси мавжуд эмас бўлиб, электрон ҳукуматнинг ривожланиш хусусиятлари ва географиясидан келиб чиққан ҳолда ғарбий ва шарқий минтақалардан иборат 4 та моделга ажратилади: континенталь-европа модели, англо-америка модели, осие модели ва россия модели. Ғарбий минтақа моделларига АҚШ ва Европа давлатларида асос солинган бўлиб, жумладан АҚШда асосий ўринни сиёсий тизимни такомиллаштириш эгалласа, Европа давлатларида (Дания, Буюк Британия, Швеция, Финландия, Франция, Германия ва бошқ.) маъмурий ислохотлар ва фуқароларга хизмат кўрсатишда АКТни кенг жорий этишга аҳамият қаратилади. Электрон иштирок индекси ва электрон ҳукумат ривожланиши бўйича жаҳон мамлакатлари рейтингда Буюк Британиянинг етакчилардан бирига айланишига ушбу мамлакатда 1999 йилда қабул қилинган “Давлат ҳокимиятини модернизация қилиш” стратегик дастури ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Айнан ушбу стратегик дастур доирасида “Онлайн Буюк Британия” ҳукумат портали ишга туширилган ва “Тўғридан-тўғри алоқа” лойиҳаси амалга оширилган бўлиб, булар эса фуқаролар ва бизнес субъектларига давлат хизматларидан электрон тарзда қулай ва соддалаштирилган тартибда фойдаланиш, очиқ маълумотлар алмашинуви ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини яратган. Шарқий минтақа (Жанубий Корея, Япония, Сингапур) моделларида эса янги давлат бошқаруви, давлат органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлиги тамойиллари

асосида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш асосий ўринни эгаллайди. Россияда электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг хусусияти федерал давлат идоралари фаолиятини электронлаштириш билан бир қаторда маҳаллий идораларни ҳам фаол автоматлаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни, хусусан, унинг асосий таркибий қисми ҳисобланган **“Электрон ҳукумат”** тизимини жорий этиш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлиб, ўз навбатида ушбу тизимнинг асосий мақсади маъмурий тартиб ва таомиллардан ўтишни соддалаштириш, аҳоли турмуш сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган.

2015 йилда Ўзбекистон Республикасининг **“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши мамлакатимизда электрон ҳукумат жорий қилинишининг ҳуқуқий асосини яратиб берди ва ҳақиқий маънода бу соҳада тамал тоши қўйилди (1)**. Айнан ушбу қонун билан электрон ҳукумат тушунчаси давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизимидан иборат эканлиги расмий изоҳланди ва унинг қуйидаги асосий вазифалари белгилаб берилди:

❖ давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш;

❖ ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш;

❖ ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида давлат органларининг маълумотлар базаларини, Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ва электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантириш;

❖ аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизмларини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида “бир дарча” принципини жорий этиш;

❖ тадбиркорлик субъектларини электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга, шу жумладан, статистика ҳисоботини тақдим этиш, божхона расмийлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар бериш жараёнларида, шунингдек давлат органларидан ахборот олиш жараёнларида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга ўтказиш;

❖ тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланишини, шунингдек коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш;

❖ нақд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини амалга ошириш, масофадан фойдаланиш тизимларини ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шакллари ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий тартиботлардан ўтишни соддалаштириш, аҳоли турмуши сифатини ошириш, инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган электрон ҳукуматни, шу жумладан, давлат хизматларини кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида изчил чоралар кўрилмоқда. Мамлакатимиз ҳаётида электрон ҳукумат воситалари фаол қўлланилаётган бўлиб, жумладан, ҳужжатлар ва коммуникацияларнинг оммавий равишда рақамли воситаларга ўтказилишини ҳисобга олиб, электрон имзога рухсат бериш, давлат билан мулоқот қилиш ҳам электрон платформаларга ўтказилмоқда. Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz), Қонунчилик ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими портали (regulation.uz), Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва бошқа қатор электрон платформа ва инфратузилмаларнинг ишга туширилиши **электрон ҳукумат тизими босқичма-босқич жорий қилинаётганлигининг амалий ифодасидир.**

БМТ экспертлари томонидан ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра, **Электрон ҳукумат ривожланиши индексида (EGDI)** Ўзбекистон мавқеи 2016 йилда 0,54 коэффицентни, яъни максимал даражанинг 54 фоизини ташкил этиб, ушбу индекс ўртача даражасидан юқори даражасига ўтишга муваффақ бўлди. 2018 йилда ўтказилган охири баҳолаш натижалари бўйича бу кўрсаткич 0,62 коэффицентгача ошди ва рейтингда иштирок этган дунёнинг 193 та мамлакатлари орасида 81 ўринни эгаллади. Бу эса, **Ўзбекистон ушбу рейтингда 2014 йилдаги 100 ўридан қарийб 20 поғона кўтарилганини маммуният билан таъкидлашга асос бўла олади.**

БМТ таҳлилчилари дунёнинг ўртача паст даражадаги даромадли мамлакатлар орасида Ўзбекистон бундай кўрсаткичларга эришиши ижобий баҳоламоқда. Энг эътиборлиси, Ўзбекистоннинг Электрон ҳукумат ривожланиши индексининг асосий таркибий мезонлари ҳисобланган онлайн хизмат кўрсатиш индекси (OSI) 0,79 коэффицент ва инсон капитали индексида (HCI) 0,73 коэффицентни ташкил этди. Электрон ҳукумат ривожланишини баҳоловчи яна бир кўрсаткич – **Электрон иштирок рейтингда (EPI)** Ўзбекистон 0,75 коэффицент билан дунёда 59 ўринни ва Марказий Осиёда Қозоғистондан кейин 2 ўринни эгаллаб турибди. Бунда, ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистоннинг даражаси дунёдаги ўртача даража - 0,56 ва Осиёдаги – 0,61 даражаларидан бирмунча юқорилигини қайд этиб ўтиш жоиздир.

Лекин, Ўзбекистоннинг Электрон ҳукумат ривожланиши индексини баҳолашда телекоммуникация инфратузилмаси индекси (TII) 0,33 коэффицентни ташкил этиб, нисбатан пастлигича қолмоқда. Бу кўрсаткич ўз навбатида мамлакатимизда телекоммуникациялар соҳасида ва **электрон ҳукумат инфратузилмасини ривожлантириш борасида кечиктириб бўлмайдиган таъсирчан чоралар кўриш лозимлигидан далолат бермоқда.**

Шу билан бирга, электрон ҳукумат имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш ва рақамли иқтисодиётга ўтишга тўсқинлик қилаётган қатор ҳал қилинмаган муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам алоҳида қайд этилганидек, **“... Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат. “Электрон ҳукумат” тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш**

**зарур**” лиги бу соҳада ҳали ечимини кутаётган ва бажарилиши лозим бўлган ишлар кўламининг кўплигини тасдиқлайди (4).

Хусусан, давлат ахборот тизимларини ривожлантиришнинг ягона принциплари ишлаб чиқилмаган, ушбу соҳадаги тадбирлар эса ўзаро ва бошқа ахборот тизимлари билан узвий боғланмаган ҳолда амалга оширилмоқда. электрон ҳукумат инфратузилмаси лозим даражада ривожланмаган, бу давлат хизматларини кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллашга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш ва электрон ҳукумат тизимини кенг жорий этиш бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”**да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонида ҳам аниқ кўрсатиб берилган бўлиб, жумладан, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат ташкилий-институционал асосларини танқидий қайта кўриб чиққан ҳолда соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш йўналишида идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш, кўрсатилаётган электрон давлат хизматлари сифатини ошириш ва рўйхатини кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан бевосита алоқасиз ўзаро муносабатларни амалга ошириш шакллари кенг қўллаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, электрон ҳукумат тизими жорий қилиниши глобал тараққиётга ҳамоҳанг равишда юртимизда рақамли технологиялар асосида давлат бошқарувини такомиллаштириш, ҳақиқий демократик муҳитни қарор топтириш, шунингдек, муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида илгари сурилган бошқарув тизими сифатини оширишда **“Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”** деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш “Электрон ҳукумат” тизимининг қанчалик тез ва самарали жорий қилинишига бевосита боғлиқдир. Бунга эришиш учун электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг қуйидаги асосий шартлари ва устувор йўналишларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ:

➤ “Электрон ҳукумат” тизимини ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ишларни тизимли мувофиқлаштириш ва ягона технологик сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, электрон ҳукумат инфратузилмасини такомиллаштириш;

➤ “Рақамли Ўзбекистон - 2030” дастури доирасида рақамли технологиялари соҳасида инсон капиталини ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш ва ахборот экотизимини ривожлантириш;

➤ “Электрон ҳукумат” тизимини самарали амалга ошириш учун ҳуқуқий ва меъёрий базани, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонунини такомиллаштириш бўйича мақсадли таҳлил ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш;

➤ жаҳон стандартлари, жумладан, БМТ методологиясига мувофиқ “Электрон ҳукумат” тизимининг ривожланиш даражасини тавсифловчи статистик

маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва ҳисобга олиш тизимини юритиш, шунингдек, электрон ҳукумат соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишнинг мақсадли индикаторлари ва кўрсаткичларни белгилаш;

➤ инновацион тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва шу асосда иқтисодиётнинг турли тармоқларида “ақлли” ва бошқа истиқболли технологияларни, шунингдек, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш технологияларини жорий этишнинг концептуал ва услубий асосини шакллантириш;

➤ давлат ахборот ресурсларини ривожлантириш, давлат органлари томонидан аҳоли ва бизнесга электрон давлат хизматлари кўрсатиш учун мўлжалланган ихтисослашган ахборот тизимини такомиллаштириш, шунингдек, электрон тижорат соҳасидаги тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

➤ тегишли ахборот ресурсларини яратиш ва жойлаштириш йўли билан республика аҳолиси ҳамда халқаро жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти тўғрисида, республиканинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган ислохотлардан хабардорлигини кенгайтириш;

➤ очиқ маълумотларни эълон қилиш ҳисобига давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

➤ замонавий ахборот коммуникация технологиялари асосида идоралараро тармоқни ташкил этиш ва ахборотнинг идоралараро электрон алмашинувини унификациялаш;

➤ электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларига идоравий ва идоралараро ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари, шунингдек электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятини бериш;

➤ электрон ҳамкорликни амалга оширишда ахборот хавфсизлигини ва маълумотлар ҳимоя қилинишини таъминлаш.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни-  
<https://lex.uz/docs/2833860>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 13 декабрдаги ПФ-5598-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 21 майдаги ПҚ-4328-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).

5. Авезова Ш.М. “Перспективы развития системы Электронного правительства в национальной экономике Узбекистана” -

<https://cyberleninka.ru/article/n/perspektivy-razvitiya-sistemy-elektronnoe-pravitelstvo-v-natsionalnoy-ekonomike-uzbekistana/viewer>.

6. Агамирзян, И.Р. «Электронное правительство» в контексте глобализации Электронный ресурс. / И.Р. Агамирзян // Сайт Компьютерра on-line. - №23. 2012.

7. Аманжолова А.Т. “Электронное правительство – как инструмент модернизации государственного управления”. Гуманитарная экономика, 2016. Вып. 10. С. 47.

8. Гапоненко, А.Л. Новые технологии менеджмента в государственном управлении / А.Л. Гапоненко // Аль Пари. 2000. - №3/4. - С. 78-85.

9. Голобуцкий, А.П., «Электронное правительство» / А.П. Голобуцкий, О.Б. Шевчук. - Киев : УМС-Атлант, 2002. 170 с.

10. Гулямов С.С. “Цифровая экономика в Узбекистане и эффективное внедрение э-коммерции” - <https://rgsbm.uz/ru/news/master-klass-ot-akademika-sajdahhora-guljamova>

11. Дрожжинов В.К, Зиндер Е.З. Электронное правительство: Рекомендации по внедрению в Российской Федерации. М.: Эко-Трендз, 2014.

12. Кристальный, Б.В. «Электронное правительство». Опыт США / Б.В. Кристальный, Ю.В. Травкин, В.И. Дрожжинов. М. : Эко-Трендз, 2003.-224 с.

13. Ирхин Ю.В. «Электронное правительство» и социум: попытка системного сравнительного анализа / Ю.В. Ирхин // АНО Обществ, полит, журн. Понятия. Анализ. Хроника. Прогноз. 2005. №1 (36) С. 123-143.

14. Маннапова Ш.Г. “Анализ развития электронного правительства в Республике Узбекистан” - <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-razvitiya-elektronnogo-pravitelstva-v-respublike-uzbekistan/viewer>

15. Хабибуллаев Ш.Х. “Развитие электронного правительства в Узбекистане” - <http://d-russia.ru/razvitie-elektronnogo-pravitelstva-v-uzbekistane.html>

16. Юртаев А.Н. “Инновационные технологии в государственном управлении: закономерности создания и применения электронного правительства”//Экономический вестник Республики Татарстан, 2009. №3. С.18.

17. Солодов, В.В. «Электронное правительство» как инструмент трансформации государственного управления: Автореф. дис. . канд. полит, наук: 23.00.02 / В.В. Солодов - М., 2017. 26 с.

18. Digital Government: Principles and Best Practices / Ed. by Pavlichev A., Garson G.D., -IDEA Group Publishing, 2004.

19. <https://en.wikipedia.org/wiki/E-government>

20. <https://uzbekistan.lv/>